
ДАНҒАРА ТУМАНИДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ ҲАМДА БЛОГЕРЛАР УЧУН ПРЕСС-ТУР ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

Журналист ва блогерлар тумандаги Корея технологиялари асосида барпо этилган замонавий иссиқхона фаолияти билан танишди. Ideal Mustang Plus МЧЖ томонидан 4 гектар майдонда барпо этилган ушбу иссиқхона 2021 йил якунида қуриб битказилди. Ҳозирда дастлабки экилган помидорлар ҳосили қизариб, пишиш даврига кирган.

Шунингдек, оммавий ахборот воситалари ходимлари Ғумойли МФЙ ҳудудида “Karobka mega global” корхонасида электромаиший техникалар ва хўжалик жиҳозлари ишлаб чиқариш жараёнлари билан танишди.

Электр чойнаклари ишлаб чиқариш билан ўз фаолиятини бошлаган корхонада ўтган 2021 йилда якунланган инвестицион лойиҳа натижасида газ плиталари, иситиш ускуналари, дори сепиш аппаратлари, электрон тарозилар ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди.

Тумандаги Катта бойбоча МФЙда суний гуллар ишлаб чиқариш фаолиятини бошлаган “Водий данғара гуллар” оилавий корхонаси фаолияти билан танишилди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook,](#)
2022-02-04 12:39:32